



Миллий адабиётимизнинг XX аср охири чораги ривожда Тогай Муроднинг муносиб ўрни бор. У эллик беш йиллик хаёти, салкам ўттиз йиллик ижодий фаолияти давомида бир неча хикоя, тўрт кисса, икки роман яратди, жахон адабиётидан таржималар килди, адабий-танкидий маколалар ёзди. Ёзувчи колдирган адабий мерос микдор жихатдан у кадар кўп эмас. Аммо унинг кисса ва романлари ўзига хос бадиияти, тил ва ифода тарзи, «адабий ахоли» сафига олиб кирган ҳеч қайси адибникига ўхшамайдиган тирик одамлари - персонажлари билан давр адабиётида ёркин из колдирди.

Илк романи «Отамдан колган далалар» Тогай Мурод ижодидагина эмас, миллий адабиётимиз тарихида муҳим ҳодиса бўлди. Бу асарни ёзишга киришар экан, ёзувчи ўзини, ўзининг хаёт хақидаги билим, тасаввурларини қайта танкидий тафтишдан ўтказди. Шу пайтга кадар амал қилган ижодий ақидаларига содик колган холда кишлок хаёти, оддий одамлар турмушини ўзгача нигоҳ билан англаш йўлини тутди. Мустабид тузум шароитида оддий захматқаш меҳнат аҳли айнаи ўша ноёб фазилатлари - тўғрисўзлиги, меҳнатқашлиги, ҳалоллиги, одоб-андишаси туфайли хору зор бўлаётганлигини адиб чуқур алам-изтироб, надоматлар билан қуйиб-ёниб тасвирлайди. Асарда ижтимоий рух - пафос кенг қўлам касб этади.

«Энди коним ўз ганимларим учун қайнамади. Йўқ, ўз ганимларим ўз йўлида колди. Энди коним... оламжаҳон ганимларим учун қайнади. Энди коним... қудратли ганимларим учун қайнади...

- Мен ўзбек халқига хайқал қўяман!

Мен ана шундай шахт билан оламжаҳон ганимларим сари шайландим» - ёзувчининг романи ёзиш олдидаги, жараёнидаги ҳолат-қайфияти ана шундай бўлган.

«Отамдан колган далалар» муаллифи бошқа бир ўринда бу асарни ёзишдан кўзлаган максоди устида тўхталиб, яна ҳам аниқроқ қилиб: «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоси - Озод Ўзбекистон учун битдим... Кўнглимда эл-юртим йўлида нимаики дардим бор барини ушбу романимда тўқиб солдим», дейди. Бу лўнда эътирофда романиннг асосий руҳи - пафоси аниқ-равшан ифодаланган. Бу роман Аллоҳ инъом этган энг улуг неъмат мустақиллигини, эркини бой берган, босқинчилар бўйин-туругини бўйнига илган эл-юрт бошига тушган бало-офатлар, мислсиз хўрликлар, истибдод исқанжасида колган халқ чеккан захматлар туфайли адиб дилидаги ох-армон, нола-фигон, салкам бир аср давом этган империя зулми, зугумига қарши зўр нафрат - исён қаби янграйди.

Тарихдан маълумки, ўлканинг тараккийпарвар қишилари ҳали рус чоризми босқини бошланмасдан бурунок бўлгуси мудҳиш ҳодисалар даҳшатини олдиндан хис этганлар,

аник кўрганлар, одамларни бу дахшатдан огохлантирганлар. Афсуски, ўша чигал тарихий шароитда бу мудхиш бало-офатнинг олдини олиш имкони бўлмаган. Парокандалик, маънавий инкироз, жахолат дардига мубтало юрт манфур зотлар хамласига дош беролмади, мукаддас ўлка шафкатсиз келгиндилар оёғи остида топталди. Зулм ва зугум хаддан ошди, халк неча бор кўзгалди, халкнинг адолат, эрк, озодлик йўлидаги хар бир харакати шафкатсизларча бостирилди. Нихоят, инкилобий ўзгаришлар даври келди. Юртнинг эркпарвар ўғлонлари, адиблари инкилобий ўзгаришларга катта умид боғлади, бироқ бу орзу-умидлар хам рўё, сароб бўлиб чикди. Миллий зулм мунофикона ва янада шафкатсиз тус олди, юртда бош кўтариб юрадиган ўғлонларнинг боши кетди, ўлканинг меҳнаткаш фукароси эса меҳнатдан бошкани билмайдиган оддий ижрочига, улуснинг акли, виждони, кўзи, кулоғи бўлишга даъват этилган айрим зиёлилари, адиблари тоталитар тузум сиёсатининг малайи - маддохига айлантирилди...

Шуниси кишига таскин берадики, мислсиз миллий зулм, зугумлар исканжасида хам миллий истиклол, эрк, озодлик гоёлари тугилиб шаклланаверди.

Истиклол кунларига келиб чин ижодкорлар учун кўнглида эл-юрт йўлида нимаики дарди бўлса- барини тўкиб солиш имкони пайдо бўлди... Кискаси, «Отамдан колган далалар» истиклол даврининг адабиётимиздаги илк хайрли самараларидан биридир. Империя сиёсатини, мустабид тоталитар тузум мафкураси мохиятини бу қадар ошқора, кескин фош этадиган асарнинг бизда ўша кезлари чиқишини гасаввур этиш кийин. Гарчи муаллиф роман устидаги ишини 1986 йили бошлаган бўлса-да, 1991 - истиклол йилида интихосига етказгани, асар 1993 йили дунё юзини кўргани тасодифий эмас.

Роман марказида Дехконкул тақдири туради; асар воқеалари хаёти, тақдир-қисмати, рухий дунёси, она-Ер, киндик қони тўкилган мукаддас тупроқ билан мустахам боглик, ўзбекнинг рамзи деғулик меҳнаткаш, захматкаш инсон - бош қахрамон Дехконкул тилидан сўзлаб берилади. Дехконкул хикоясини ўз саргузаштларидан эмас, балки анча наридан - бобоси Жамолиддин, отаси сурхони Акраб тарихидан бошлайди. Чунки Бобо ва Ота тарихини эсламай ва сўзламай туриб, Дехконкул қисмати, характери маъно-мохиятини англаш, англатиш кийин.

Бобо - Жамолиддин - Окподшо истилоси шохиди. У - тугма меҳнаткаш дехкон, имон-эътиқоди бутун шахс. Муаллиф Кодирийдан, унинг машхур қахрамони Обид кетмондан илхомланиб, Жамолиддин меҳнаткашлигини унинг кетмони довруги орқали таърифлайди. Бир қарашда меҳнатдан бош кўтармайдиган, тоат-ибодатдан бошқасини билмайдиган банди мўминдек кўринган бу одам юрт тақдири хакида хам ўйлайди, ўзининг ватан туйғусини, имон-эътиқодини, инсонлик шаънини баланд тутуди, юртининг покиза тупроғи, тиник оқиб турган сувлари бешарм, бефаҳм келгиндилар томонидан булганганини кўрганида ўзини кўярга жой тополмайди; содда оломон тақдир ва зулмга қарши бош кўтарганида беихтиёр улар сафида бўлади; охири шафкатсизлик, хўрлик, тахкир-надоматларга тоқат қилолмай, босқинчилар оёғи етмас ерларни қўмсаб, қанчалар оғир бўлмасин, тугилган юрти - гўзал Фарғонани ташлаб бош олиб кетади...

Ота сурхони Акраб - қизил империя салтанатининг таркиб топиш даври гувоҳи. У - қўли гул богбон.

«Отамиз қадамиш чўп ниҳол бўлади.

Отамиз қармиш дарахт шигил-шигил бўлади.

Отамиз қесмиш тоқ шоқила-шоқила бўлади.

Отамиз қирқмиш гул шода-шода бўлади», дейди ифтихор ила Дехконкул. Шу билан

баробар, ота - Акрабда ҳам она-Ватан, фукаролик туйгуси баланд, юртнинг мустакиллиги, озодлиги деб Кизил офатга карши жангга киради, эл-юртига, она заминига, оиласи, фарзандларига чексиз садокатини намоён этиб, эътиқоди, матонати билан ёвларни ҳам лол колдириб, мардона туриб жон таслим этади...

Мана энди гал Дехконкул таърифига келади. Дехкон-кул - шўролар даврининг одами. Хўш, Дехконкул Ота ва Бобосидан нималарни мерос килиб олди? «Социалистик хаёт тарзи» шароитида у нималарга эришди-ю, нималарни бой берди? Дехконкулга ота-бобосидан факат меҳнаткашлик хислатигина ўтган, холос. Ота-боболарга хос юртсеварлик, эрксеварлик, инсоний гурур, ўзликни англаш хисси унда бутунлай барҳам топган.

Дадил айтиш мумкинки, Дехконкул образи - ўзбек адабиётида жиддий бадиий кашфиёт бўлди. Дехконкул совет даври адабиётида завк-шавк билан каламга олинган меҳнат қахрамонларига пародия тарикасида яратилган. У - тоталитар тузум, кизил империя сиёсати тарбиялаб етиштирган «меҳнат киши», «янги инсон» тимсоли, мустабид хокимият мунофиқона мафкурасининг тирик қурбони. Дехконкул шўролар ҳукуматининг деярли тенгдоши. Ёзувчи адабиётимизда урф бўлган йўлдан бормайди, қахрамон тақдири орқали даврни, «социалистик жамият тарихини ифодалаш»ни ўз олдига мақсад килиб қўймайди. Совет хокимияти йилларининг «муҳим паллалари» атайин четлаб ўтилади, фукаролар уруши йилддарида аклини таниган болакай 60-йилларда ҳам болакайлигича қолаверади. Бу хол ўқувчига асло «мантисизлик» бўлиб туюлмади. Ёзувчини биринчи галда Дехконкулни кул, муте килиб шакллантирган хаётий омиллар кизиктиради.

Дехконкулни, аввало, Ленин ишига, партияга, шўролар ҳукуматига, улуг огага ҳурмат, садокат руҳида тарбиялашган, унга Ленинни ота, Крупскаяни она деб ўргатишган, ўлан-лапарларни эмас, «партия-совет қўшиқлари»ни тинглаб, айтиб тили чиккан, уйқудан турганда ҳам, уйқуга ётишдан олдин ҳам, тўю маъракаларда ҳам партия, дохий, улуг огага таъзим, салом билан йўғрилган мадҳиялар қулогига қуйилган; юрти дунёда энг озод, хур, тўқ-фаровон эканига, 80-йилларга бориб коммунизмда яшашига чиппа-чин ишонтиришган... У бора-бора сўз билан амалиёт орасидаги зиддиятни сезган, кўрган; тенгдошлари катори ўқишни қўйиб пахта далаларидаги, захарли химикатлар ёмғири остидаги «хур меҳнат» гашти нима эканини гўдаклигидаёқ таниган, шу «шонли меҳнат»га меҳр-муҳаббат руҳида вояга етган. Салгина бўлсин, бу машаккатлардан ўзини четга олганида босмачининг, совет тузуми душманининг ўгли деб ҳақорат қилинган; бу хилдаги дағдагалар кўнглидаги қаршилик кўрсатиш туйгусини бутунлай сўндирган...

Шу тарика Дехконкул ўзига хос манқурт бир кимса бўлиб етишади. Бу одам факат садокат билан меҳнат қилишнигина билади. У дехкончилик илмини миридан-сиригача эгаллаган. Ўзи ўтказган ҳар бир ниҳолнинг холи, дарди унга аён. У ўзини ҳам, аёлини ҳам, болаларини ҳам ўйламай, аямай бетиним тер тўқади; табиат билан тутшиб, табиий офатлар билан олишиб, енгиб йилма-йил мўл ҳосил етиштиради, машъал бригадирга айланади.

Аслида бунинг нимаси ёмон? Меҳнат инсонни улуглайди, деймиз-ку! Шунчалар фидойи меҳнаткаш инсон Дехконкул мега кўзимизга қахрамон эмас, аянчли бир кимса бўлиб кўринади, ўқувчида фахр-ифтихор эмас, ўқинч-надомат, ачиниш туйгусини кўзгатади. Бутун гап мана шунда. У ким учун, нима учун бетиним тер тўқаётганини, холи не кечаётганини ўйлаб ҳам кўрмайди. У қарахт бир холга тушиб қолган. Теварак-атрофда, хаётда нималар бўлаётганини, ҳақ на ноҳақ ишлар, адолатсизликлар, яқин қишилари,

аёли, фарзандлари хол-ахволи уни мутлако кизиктирмайди. Идеологиянинг кип-кизил мунофикона ёлгонларига асло парво килмайди, бемаъни кўрсатмаларига каршилиқ билдирмайди, билдирилмайди; мунофик каламкашларнинг дала шийпонлари хакидаги мунофикона очерки ҳам, москвалик киночиларнинг машъал бригада хаётига багишланган бошдан-оёк ёлгонга қурилган картинаси ҳам уни ажаблантирмайди, аксинча, картинадаги сохта ролни актёрлар каби ҳеч қийналмай ижро этиб беради. Ўзининг, ҳамқишлоқларининг ўта ночор, аянчли турмушини кўриб, билиб туриб ҳам Мунча ширин экан бу Совет даврони, Мамнун яшар ҳар инсон - йўқдир армони,- сингари тутуруксиз кўшиқларни бепарво тинглайверади. Машъал бригадир бўла туриб, кўли қискалигидан, мотоцикл олишга қурби етмаганидан, аёлининг оддий сўровларини бажо келтиролмаётганидан, бугина эмас, қозони гўшт кўрмаётгани, болалари тўйиб овқат емаётганлигидан изтиробга тушмайди. Марказга, кўрик-кенгашга ижарага олинган қийимларни қийиб боришдан ор қилмайди. Кенгашдаги иштироки ҳам маълум, тўрдагилар чапак чалса, у ҳам чапак чалади, тўрдагилар оёкка турса, у ҳам оёкка туради...

Тўгри, унда ҳам гоҳо ота-бободан қолган гурур андақ уч беради; бироқ у шаҳарга бориб, тўр шляпа билан баҳмал сўзана сотиб олишу, телбаларча баҳмал сўзанани шартта йиртиб оёғига пайтава қилиб ўраш, телеэкранда кўринган Америка президентига бошидаги шляпасини олиб қилкитишдан нарига ўтмайди. Бу кўли очик, меҳмондўст, танги ўзбек емай-ичмай, топганини меҳмони олдига қўяди, меҳмони оёғи остига қўй қўйиб қерилади, аммо меҳмонлар учун бозордан олиб қилган икки дона хурмони деб етим ўғилчасини уриб оғзи бурнини қонга белади.

Хўш, бу хилдаги телбаларча тангилик, қулларча эркин меҳнат, шўроларга садокат, маънавий қарахтлик, қарамлик, мутелик туфайли у нималарга эришди?! Оддий орзулари ушалмаган вафодор аёли турмуш ситамлари, машаққатларидан тўйиб қонига қасд қилади, ўзига ўт қўяди, тўйиб овқат емай оёкка турган ўғлонлари (ўғлонларидан бирининг исми Қулмат) очоқат, муте, ногирон-дарадманд бўлиб етишмоқда; ўзи эса ҳалол, фидоқорона меҳнатлари эвазига юлғич, қорахўр деб айбланиб, қамоққа олинадди, айтиб адо бўлмас қийноқ, хўрликларга қирғиш этилади, уни ўз тезагини ейишга мажбур этадилар, эркалик шаънини топтайдилар... Бу шўрлик банди шу даражага бориб етганки, уни қамоққа олиб қетаётганларида ҳам даладаги ишини, пахта теримини ўйлайди, қамоқдаги азоб-қубатлар пайтида ҳам «ленинча адолат»га умид қўлайди, шунча хўрликлардан кейин ҳам қаласига, меҳнат қучоғига қайтиш хаёли билан нафас олади...

Қискаси, Дехқонқул қисмати, қарахт ҳолати, муте табиати тасвири - империя қисмати, «социалистик хаёт тарзи» қиллатни, қиллий туйғу, қадриятларни топташга қаратилган, қиройли ширларга ўралган мунофикона қоммунистик мафқура устидан қикарилган зўр айбномадир. Мустақиллигини йўқотган, ўзлигидан узоклашган, фикрлашдан тўхтаган муте, итотқор қимсаларнинг оқир-оқибат қеладиған манқили - шу! Ёзувчи Дехқонқул қисмати орқали шу фикр-қояни ўқувчини ларзага солар бир тарзда ифода этган. Шу тарика бу ақари, аниқроқи, Дехқонқул образи орқали ёзувчи ўзи ниёт қилганидай, ўзбек қалқининг, аниқроқи, шўро даври етиштирган ўзбек дехқонининг ўзига ҳос қайқалини қратади.

«Отамдан қолган далалар» 1994 йили истиклол даври ўзбек адабиётининг илқ етук намунаси сифатида Давлат муқофотиға сазовор бўлди, ўқув дарслиқларидан муносиб

ўрин олди. Роман асосида яратилган фильм Бухорода ўтказилган миллий кинофестивалда бош соврин билан гакдирланди; Туркиянинг Истанбул шаҳрида бутун дунёдан машхур киношунослар, актёр, кинодраматурглар ташриф буюрган анжуманда «Отамдан колган далалар» фильмини томошабинлар тик туриб ўн беш дакика олқишлади.

Тогай Мурод 2001 йили дунё юзини кўрган галдаги романи «Бу дунёда ўлиб бўлмади» асарида шўро даври одамларида шаклланган - шакллантирилган шўровий эътикод фожиасининг бошка бир кўринишини каламга олади. «Отамдан колган далалар» қахрамони ўз номи билан кул, муте, итоаткор бандаи ожиз. У билиб-билмай шу йўлга кирган. Фидокорона меҳнатда ўтган, ўтаётган умри, хатти-харакатлари маънисиз - абсурддан иборат эканлигини англаб етишга қодир эмас. Унинг фожиаси шунда. «Бу дунёда ўлиб бўлмади» романи қахрамони Ботир фирка эса ок-корани танийдиган раҳбар ходим. Хамма нарсага акли етади. Ўзи қилаётган, амалга ошираётган ишларининг ноҳўя эканлигини билиб турган холда ўз даври арбоби сифатида тузум сиёсатини амалга оширишда собит турган, бу йўлда ҳеч қимни, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам аямаган. Унга узок умр насиб этди. У XX аср тенгдоши. Аср охирига келиб у амал қилган эътиқодлар сароб бўлиб чиқди, ўз қўли билан яратган хайбатли қоялар бирин-кетин қулай бошлади. Бирок у отдан тушса ҳам эгардан тушишни истамайди, таги пуч гоёларга содиқлигича қолади. Унинг фожиаси - ҳам қулгили, ҳам аянчли қисмати айни шу жараёнда жуда ёркин намоён бўлади.

Тогай Муроднинг ёркин миллий рух билан йўғрилган ҳар икки романи XX аср жаҳон модернистик адабиётига ҳос қатор хусусиятларнинг, жумладан, «ўзбекона абсурд» гоёсининг бетакрор талқини жихатидан ҳам миллий адабиётимизда муҳим янгилик бўлди.

Тогай Мурод асарларига хорижда қизиқиш ҳамон давом этмоқда: «Ойдинда юрган одамлар», «От қишнаган окшом» қиссалари рус тилига ўгирилиб, «Звезда» ҳамда «Дружба народо» журналлари саҳифаларида эълон қилинди; 2017 йил декабрда эса бу икки қисса Москвадаги «Рипол классик» нашриётида «Тарлан» номи билан нашрдан чиқди. «Бу дунёда ўлиб бўлмади» романи француз тилига таржима қилиниб, Францияда, Париждаги нуфузли нашриётда чоп қилинди. Улар хақида қўп илик гаплар айтилди, ёзилди. Зотан, беназир санъат асарларининг умри боқий, улар бир миллатнинг мулки эмас, башариятга дахлдор. Энди гал ўзбекнинг асл ўғлони Тогай Муроднинг беназир бош романи «Отамдан колган далалар»га, у жаҳон бўйлаб ўз сафарини бошлашига умид қиламиз.

Умарали Норматов,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби